

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУРМУҲАММЕДОВ ЮСУФ ШАКАРБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ДУНЁҚАРАШИНING ФРАЗЕОЛОГИК  
САТҲ АСПЕКТИДАГИ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.01 - Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд-2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Нурмухаммедов Юсуф Шакарбоевич**

Ўзбек миллий-маданий дунёқарашининг фразеологик сатҳ аспектидаги  
таҳлили .....

3

**Нурмухаммедов Юсуф Шакарбоевич**

Анализ узбекского культурно-национальное мировидение через  
единицы фразеологического уровня .....

25

**Nurmukhammedov Yusuf Shakarboyevich**

Analysis of the national and cultural worldview of Uzbeks in aspects  
of the phraseological level.....

47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НУРМУҲАММЕДОВ ЮСУФ ШАКАРБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ДУНЁҚАРАШИНING ФРАЗЕОЛОГИК  
САТҲ АСПЕКТИДАГИ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.01 - Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2018.4 PhD/Fil 646 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Элгазаров Жўлибой Данабоевич  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Маматов Абдуғафур Эшонқулович  
филология фанлари доктори, профессор

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “20 октябрь соат 11” даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№63-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил “06 октябрь” кuni тарқатилди.  
(2021 йил “06 октябрь” даги 81- рақамли реестр баённомаси).



**М.Қ. Муҳиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
филология фанлари доктори, профессор

**Ҳ.А. Асланова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби,  
фалсафа доктори (PhD), фил.ф.б.

**А.Э. Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида универсал концептларнинг миллий-маданий ўзига хослиги масаласини фразеологик бирликлар мисолида ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, замонавий антропологик лингвистикада фразеологик бирликлар (ФБ) оламнинг миллий лисоний манзараси (ОМЛМ) шаклланиши ва ривожланишида катта ўрин тутиши ҳамда унинг муайян лингвомаданий жамоага хос хусусиятларини ўзида ёрқин ифодалаши алоҳида қайд этилади. Шу нуқтаи назардан қараганда ФБ тил эгасининг лингвокогнитив салоҳиятини оширишда, инсон тарафидан тилда акс этган оламнинг идрок этилишида, борлиқ фрагментларининг тил воситалари орқали тафаккурда мустаҳкамлашуви антропоцентрик жиҳатдан ғоят муҳим ўрин тутишини очиб бериш нуқтаи назаридан муҳимдир.

Халқларнинг миллий ўзликни англаши, онг ва тафаккурдаги ўзгаришларнинг тилдаги инъикоси, тил ҳамда маданиятнинг ўзаро муносабати тадқиқи масалалари дунё лингвистикасида инсон омилини лингвомаданий жиҳатдан ўрганишда катта илмий қийматга эга факторлар эканлиги эътироф этилади. Зеро, тил ва маданият ўртасидаги муносабатларни инсон, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири ва алоқаси замирида етарли даражада тушуниш, талқин қилиш мумкин. Фразеологик бирликларнинг лисоний табиати уларни антропоцентрик парадигма доирасида ҳосил бўлиш, воқеликни метафора ва метонимия каби когнитив механизмлар ёрдамида англаш ва ифодалаш, мавхум предметларни конкрет предметларга тенглаштириш масалаларини атрофлича тадқиқ этишга кўмаклашади ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбек тилшунослигида сўнгги йилларда инсоннинг ижтимоий, моддий ва ботиний оламини ифодаловчи асосий универсал концептлар ўзига хос маданий бўёққа эга бўлган миллий маданиятимизнинг ифодаловчи лисоний ҳамда тафаккурий механизм сифатида талқин этилмоқда. Лингвомаданий концептларнинг фразеологик бирликлар орқали концептуаллашувини замонавий тилшунослик ёндашувлари асосида ёритиб бериш тилшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бинобарин, барча илмий йўналишлар қаторида тилшуносликда ҳам "...илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа"<sup>1</sup>сининг белгиланиши муайян назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Тадқиқотда таҳлил этилган концептларнинг миллий-маданий дунёқарашни ифодаловчи хусусиятларини замонавий тилшунослик методологияси негизида тадқиқ қилиш ҳозирги замон ўзбек лингвистикаси олдида турган муҳим вазифалар ечимини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.13.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПК-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорихамда соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX асрнинг 30-90-йилларида, айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек тилининг турли сатҳларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Фразеологик бирликларни грамматик, лексик-семантик, услубий ҳамда лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш бўйича жиддий ютуқларга эришилди. Жумладан, фразеологизмларнинг лингвистик маданиятга таъсири бўйича А. Wierzbicka<sup>2</sup>, Н.Ф.Алефиренко<sup>3</sup>, В.А.Маслова<sup>4</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида тафаккур ва тасаввурда ибораларнинг ўрнига эътибор қаратилган. Ўзбек фразеологиясига доир дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг 50-йилларида Ш.Раҳматуллаев<sup>5</sup>, Я. Пинхасов<sup>6</sup>, А.Шомақсудов<sup>7</sup> ва М.Хусаинов<sup>8</sup>ларнинг номзодлик диссертациялари орқали юзага келди. Кейинчалик Ғ.Саломов ўзининг фраземалар таржимасига доир изланишларида «фразеологизм» атамасини кенг талқин қилиб, унинг таркибига мақол, матал ва идиомаларни ҳам киритган эди<sup>9</sup>. Абдуғафур Маматов ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши масаласи каби энг долзарб муаммоларни тадқиқ қилган<sup>10</sup> бўлса, Абдимурод Маматов ўзбек

<sup>2</sup> Wierzbicka A. Semantics, Culture, and Cognition. Oxford University Press. 1992.-p.441.

<sup>3</sup> Алефиренко Н.Ф. Фразеология и паремология: М.: Флинта: Наука, 2009.-344с.

<sup>4</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие. М.: Академия, 2001.-154с.

<sup>5</sup> Раҳматуллаев Ш.У. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. АҚД.-М.: 1952. – 16 с

<sup>6</sup> Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражение в языке произведение Хамида Алимджанова. АҚД.-Ташкент, 1953.-19 с.

<sup>7</sup> Шомақсудов А.Ш. Язык сатиры Муками (лексика и фразеология). АҚД. – Ташкент, 1956.-18 с.

<sup>8</sup> Хусаинов М. Фразеология прозы писательницы Айдын. АҚД. –Самарканд. 1959.-18с.

<sup>9</sup> Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари.- Тошкент: Ўқитувчи. 1983. Б. 118.

<sup>10</sup> Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА.-Тошкент: 2000.- Б. 50.

тилшунослигига фразеологик норма тушунчасини олиб кирди<sup>11</sup>. Б.Йўлдошев фразеологизмларнинг коннотатив маънолари, бадий тасвир воситаси сифатидаги имкониятларини атрофлича ёритиб берди<sup>12</sup>. М.Холиқова фразеологизмларнинг миллий семантикаси, экстралингвистик омилларнинг фразеологизмлар семантикасига таъсири каби муаммоларни рус ва ўзбек тиллари мисолида ўрганди<sup>13</sup>. Юқорида қайд этилган ўзбек фразеологияси соҳасида эришилган ютуқлар ушбу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар учун илмий методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида А.Насиров, Н.Насруллаева, Б.Жўраева, А.Юлдашев<sup>14</sup> каби тадқиқотчилар ўзбек тилидаги фразеологик birlikларни антропоцентрик парадигма доирасида, хусусан, лингвокогнитив, прагмалингвистик ва лингвомаданиятшунослик нуқтаи назардан тадқиқ этишган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқотлар билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тили birlikларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган (2016-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** ижтимоий, моддий ва ботиний олам концептларини ифодаловчи фразеологик сатҳ birlikлари мисолида ўзбек миллий-маданий дунёқарашини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати масаласини «тил+инсон+маданият» учлиги теграсида ёритиш ҳамда миллий тил шахси мавзусининг ўрганилганлик даражасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

ҳозирги замон лингвистикасида концепт тушунчасининг талқин этилишини ўрганиш, концептнинг умумийлик хусусиятлари фонида лингвомаданий хусусиятларини ажратишнинг метод ва усуллари таҳлилин амалга ошириш;

лингвомаданий объектларни тизимли таҳлил қилиш тамойиллари ва уларни ўрганиш методларини ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқотдаги концептларни тилда репрезентлашувининг лисоний механизмларини очиб бериш;

концептларнинг лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ этиш учун назарий асос сифатида лингвомаданиятшуносликнинг фойдаланиш мумкин бўлган имкониятларини очиб бериш ҳамда тадқиқ этилаётган концептлар

<sup>11</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.- Ташкент.1991.-Б.212.

<sup>12</sup> Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. - Самарқанд, 1999. – 200 б.

<sup>13</sup>Халиқова М.А. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине (на материале русского и узбекского языков). АКД.-Ташкент. 1999-26 с.

<sup>14</sup>Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. ДДА (DSc).-2016. - 30 б; Жўраева Б.М. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари. ДДА (DSc). –Самарқанд, 2019. - 30 б; Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши. ДДА (DSc). - Тошкент, 2018. - 71 б; Юлдашев А.Ф. Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) (PhD). - Тошкент, 2017. – 47 б.

лисоний вербаллашув хусусиятларини тизимли тавсифлашни амалга ошириш;

миллий тил шахсини ўрганиш ва ўзбек фразеологизмларида намоён бўлувчи инсоннинг ижтимоий, моддий ва ботиний оламлари табиатини тизимли тавсифлашда миллий лисоний олам манзараси асосида илмий ёндашувларни таҳлил қилиш;

ўзбек тилидаги бадий асарларнинг кенг иллюстратив материалларидан фойдаланган ҳолда оламнинг лисоний манзарасидаги инсоннинг ижтимоий, моддий ва ботиний оламига хос концептларни лингвомаданий таҳлилни амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инсоннинг ижтимоий, моддий ва ботиний (рухий, интеллектуал ва эмоционал) оламлари концептларини ифодаловчи фразеологик бирликлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ижтимоий, моддий ва ботиний оламларни ифодаловчи концептларнинг миллий-маданий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ассоциатив, концептуал, контекстуал, компонент, лексикографик, лингвомаданий, семантик-когнитив, этимологик таҳлил каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили лисоний манзарасининг фразеологик бирликлар орқали ифодаланган сегментида инсон ижтимоий, моддий ва ботиний олам концептлари актуаллашувининг миллий-маданий, психологик, ижтимоий, маънавий, гендерологик каби хусусиятлари очиб берилган;

фразеологик бирликлар орқали ифодаланган тушунча ва тасавурларнинг концептуаллашуви жараёнида лисоний онг билан концептуал онгнинг когнитив-прагматик ва лингвокультурологик фарқланиши ҳолатлари лисоний, когнитив-семантик ва когнитив-прагматик, этимологик жиҳатдан далилланган;

миллий-маданий дунёқараш тилнинг функционал ва структурал тараққиётига мос равишда лингвомаданий жамоада мавжуд маданий маркерликнинг лингвистик манбалари сифатидаги образли асос, этносоциум тажрибаси, сўз реалиянинг мавжудлиги каби лисоний ҳамда сўзловчининг ҳис-туйғулари ва гендер муносабатлар каби нолисоний омиллар асосида вужудга келиши, ушбу жараённинг тил бирликларида юз берувчи маъно-мазмун тараққиётини ҳаракатлантириб туриши асослаб берилган;

тилимизга хос оламнинг лисоний манзарасининг фразеологик бирликлар орқали ифодаланган қисмида ижтимоий, моддий ва ботиний оламларига оид концептлар репрезентлашувининг ўзбек лингвомаданий жамоасига хос тажрибанинг ўзига хослиги, сўз-реалиялар, архаизмлар, мифологемалар каби лингвистик манбаларни қамраб олувчи лингвомаданий ва фрейм, стереотип, гештальт каби оператив бирликларга таяниладиган лингвокогнитив жиҳатлари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фразеологик бирликларни тил ва нутқда қўллашда нутқий жумланинг ифода ва экспрессив имкониятлари ёритилган;



фразеологизмларнинг лингвомаданий таҳлили миллат дунёқараши, этнопсихикаси, урф-одатларининг мазмунини ёритишга, тил ўрганувчиларда социолингвистик компетенцияни шакллантиришга хизмат қилиши исботланган;

фразеологик сатҳ бирликлари билан ифодаланган ижтимоий, моддий ва ботиний олам концептларининг миллий-маданий параметрлари белгиланган; тадқиқотга жалб қилинган концептлар миллий-маданий концептуаллашувининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари белгиланган, ассоциатив эксперимент ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, хулосаларнинг қатъийлиги, таҳлилларда тил табиатидан келиб чиқилганлик ва антропоцентрик парадигмада қўлланилган усуллардан фойдаланганлик ҳамда фразеологик бирликлар миллий-маданий ўзига хослигини изоҳлашда ўзбек тилининг турли даврларга оид манбаларига таянилган жиҳатлар билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили фразеологик бирликларининг когнитив-семантик, психолингвистик, лингвомаданий хусусиятлари аниқланганлиги ва антропоцентрик парадигма, когнитив тилшунослик, услубшунослик, нутқ маданияти йўналишларида амалга ошириладиган янги тадқиқотлар учун илмий манба бўла олиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ундаги хулосалардан лексикология, фразеология, этнолингвистика, социолингвистика ва лисоний маданиятшунослик йўналишларидаги курсларни ўқитишда, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек миллий-маданий дунёқарашининг фразеологик сатҳ аспектидаги таҳлили бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

миллий-маданий дунёқарашнинг фразеологик бирликлардаги репрезентациясини атрофлича ўрганиш, универсал концептлар этноспецифик хусусиятларининг лингвомаданий таҳлили асосида миллий-маданий дунёқарашга оид хулосалардан И-204-4-5 “Ахборот-коммуникацион технологиялари асосида инглиз тили мутахассислик предметларидан виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 89-03-1038-сон маълумотномаси). Натижада, инсон моддий ва ботиний олам концептларининг фразеологик бирликларда шаклланиши ва когниция жараёнлари ҳамда лингвомаданий аспектлари очиб берилган;

ўзбек лингвомаданий жамоаси оламининг фразеологик манзарасида инсоннинг ижтимоий, моддий ва ботиний олам концептларининг объективлашувида мазмун ҳамда улар экспликациясини илмийочиби беришга доир таклиф ва тавсиялардан “Countrystudy” номли дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 10

февралдаги 89-03-814-сон маълумотномаси). Натижада, дарсликни такомиллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

лингводидактик амалиётлар учун фразеологик бирликларнинг лингвомаданий потенциали, концептлар экспликациясининг лингвомаданий жамоага хос усуллари, фразеологик бирликларни тил ва нутқда истифода этиш нутқий ифоданинг прагматик имкониятларини орттириши ҳақидаги хулоса ва тавсиялар “Aspire (C1+)” номли дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 89-03-814 сон маълумотномаси). Натижада, дарслик мавзуларини такомиллаштириш ва лингводидактик салоҳиятни оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та хорижий ва 4 та республика илмий журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, 156 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, унинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги асосланган ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фразеологизмларнинг миллий-маданий ўзига хос хусусиятларига доир назарий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида тил ва маданият муносабатлари масаласи, лингвомаданиятшунослик фанининг мазмун-моҳияти, фразеологик сатҳ кўлами, унда қўлланилаётган илмий атамалар мазмуни ҳамда концепт ва унинг лингвомаданий хусусиятлари масалалари кўриб чиқилган.

Тилшунослик тарихида тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати масаласига уч хил ёндашув мавжуд: тилни маданиятнинг оддий инъикоси сифатида эътироф этувчи *биринчи ёндашув* С.А.Атановский, Г.А.Брутян, Э.С.Маркарян каби файласуфлар томонидан ишлаб чиқилган. Тилни маданият, фалсафа ва психологиянинг негизи, яъни тилнинг маданиятга таъсирини бирламчи ҳисобловчи *иккинчи ёндашув*нинг йирик намоёндалари

И.Г.Гердер, В.фон Гумбольдт, Э.Сепир ва Б.Уорфлар ҳисобланишади. Уларга кўра «ҳар қандай миллий тил миллий маданият ва жамият маҳсулини ифодалайди», «тил структураси миллий маданият, миллий олам манзараси ва этник шартланган шахснинг феъл-атворига таъсир этади»<sup>15</sup>, «тил – оламини этносга хос идрок этиш шаклининг ажралмас компонентиدير»<sup>16</sup>, «тил ва маданият бир-бирини тақозо қилса ва параллель ривожланса-да, тил табиати унинг эрки ва ўзгарувчанлигини чегараловчи омил ҳисобланади ва унинг қатъий белгиланган йўл бўйлаб тараққий этишга йўналтиради»<sup>17</sup>. *Учинчи ёндашувга* мансуб мулоҳазалар Н.И.Жинкин, Н.И.Толстой ва бошқа олимларнинг ишларида акс этади. Улар тил – биз аждодларимиздан мерос қилиб олган маданиятнинг таркибий қисми, тил – биз унинг ёрдамида маданиятни ўзлаштиришимиздаги асосий восита ва ниҳоят тил – руҳимиз воқелиги, «тил бир вақтнинг ўзида ҳам маданиятнинг маҳсули, ҳам энг муҳим таркибий қисми, ҳам маданиятнинг мавжудлик шarti. Тил – маданият мавжудлигининг ўзига хос тарзи, маданий кодлар шаклланишининг омили» эканлиги концепциясини илгари суришади<sup>18</sup>.

Маълумки, маданиятшунослик табиат, тарих, жамият, ижтимоий ва маданий борлиқнинг бошқа сфераларига нисбатан инсоннинг ўзини-ўзи англашини тадқиқ этса, тилшунослик тилда акс этган инсоннинг оламини идрок қилиш, атроф-борлиқнинг инсон лисоний онгида акс этиши, моддий ва ботиний олам ва унинг объектларини ўзлаштириш натижаларини тил воситалари билан фиксациялашини антропоцентрик нуқтаи назардан ўрганади. Лисоний маданиятшунослик предмети сифатида «тил ва маданият ўзаро таъсири усуллари ва синхрон ҳаракатдаги воситаларини тадқиқ қилиш ва тавсифлаш»<sup>19</sup>, «маданий аҳамиятли мазмунга эга тил ва дискурс бирликлари»<sup>20</sup>, унинг бош мақсади этиб «лисоний белгилар асоси ва ёрдамида тилда мустаҳкамланган ва дискурда намоён бўладиган маданиятнинг асосий зидлари; тил кўзгусида акс этган ва унда инсоннинг маданийлашган сфераларига доир тасаввурлар қайд қилинган: замон, макон, фаолият ва ҳоказолар; тил призмаси орқали намоён бўлувчи маданий архетиплар билан ўзаро боғланган қадимий тасаввурларни очиб бериш»<sup>21</sup> белгиланади. Лисоний маданиятшунослик ҳал қилиши лозим бўлган вазибалар куйидагиларни тушуниш ва тушунтиришни тақозо қилади: а) лисоний концептлар шаклланишида маданият иштироки қандайлиги; б) тил белгисининг қайси маъносига маданий мазмун бирикиши; в) тил ва маданият асосида шаклланадиган тил белгиларининг маданий семантикаси қандай

<sup>15</sup> Шаклеин В.М. Историческая лингвокультурология текста. -М.: РУДН, 2012.-С.45.

<sup>16</sup> Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии.-М., 1992.-С. 233.

<sup>17</sup>Уорф Б. Л. Отношение норм поведения и мышления к языку // Новое в лингвистике, вып. 1, -М., 1960.- С.139

<sup>18</sup>Маслова В.А. Лингвокультурология. -М.: Академия, 2001. –С. 43.

<sup>19</sup>Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. - М.: Школа «Языки русской культуры», 1998.-С.218

<sup>20</sup>Красных В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций.-М.:ИТДГК «Гнозис», 2002.

<sup>21</sup>Красных В. Ўша асар. – С.13.

тавсифланиши; г) мос методологик дастур ва тадқиқот усулларини излаш<sup>22</sup> ва ҳоказолар.

Метафорик табиатли «олам лисоний манзараси» (ОЛМ) тушунчасини тилшуносликка биринчилардан бўлиб олиб кирган Й.Л.Вайсгербер: «тил ўз эгасига бошқа тиллардагидан фарқли бўлган дунёни яхлит кўриш тарзини ато этишини», «она тили ва ҳар бир инсоннинг руҳий шаклланиши ўзаро чамбарчарс боғлиқлигини» ва «тилшунослик тилларни халқлар маданиятининг кўзгуси сифатида ўрганмоғи лозим», деб қайд этади<sup>23</sup>.

Н.Ю.Шведова олам лисоний манзарасини қуйидагича талқин қилади: «(ўз) тузилишида ва унинг қисмлари алоқаларини, биринчидан инсонни, унинг моддий ва руҳий ҳаёт фаолиятини, иккинчидан, уни ўраб турган ҳамма нарса: макон ва замон, жонли ва жонсиз табиат, инсон томонидан яратилган мифлар ва социум маконини намоён қилувчиларни тил билан англанишида халқ тажрибасининг асрлар давомида шаклланган ва лисоний номлаш воситалари билан юзага чиққан барча мавжудликни яхлит ва кўп таркибли олам сифатидаги тасвири» ва унинг: «а) атовчи бирликлар синфи билан ифодаланадиган тасвирий полотноси; б) бу полотнони қамраб олувчи ва унинг қисмларини асосли боғловчи лисоний маънолар занжири; в) бутун макон бўйлаб эркин ҳаракатланувчи ва унинг турли бирликлари ва тўпламига йўналадиган тавсифловчи маънолар занжири»<sup>24</sup>. Бизнинг назаримизда, олам лисоний манзараси - борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг тил воситалари билан миллий-маданий қайта инъикос этилган лисондаги яхлит тасвиридир.

Олам лисоний манзарасини *тил шахси* тушунчаси билан узвийликда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Систем-структур парадигма йўналишидаги тадқиқотлар диққат марказида билиш объекти – сўз турса, антропоцентрик парадигмада тадқиқотчилар ўзига хос лисоний, ментал, хулқ-атвор, индивидуал ва миллий олам манзараларига эга бўлган инсон - билиш субъектига эътибор қаратишади, яъни «тилдаги инсон» ва «инсондаги тил» тадқиқ қилинади. Тил шахси тушунчасининг лингвистикада кенг қўлланиш расми Ю.Н.Караулов томонидан тил шахси модели яратилиши билан боғланади. У тил шахсини воқеликни теран ва аниқ акс эттириш учун структур-лисоний мураккаблик даражаларига кўра фарқланувчи муайян мақсадга йўналган матнларни ярата олиш ва идрок этиш қобилиятига эга бўлган инсон сифатида тавсифлайди. Тилшунос олим семантик ва прагматик нуқтаи назардан тил шахсини уч сатҳли структура сифатида фарқлади: инсон сўз бойлигини тавсифловчи вербал-грамматик ёки грамматик ва лексик-семантик ёки структур-систем сатҳ; инсон тезаруси, олам ҳақидаги билимлар тизимини ўзига бириктирган когнитив ёки лингвокогнитив сатҳ; нутқий фаолият жараёнида шахсининг мақсад, мотив ва прагматик дастури тизимни ифодаловчи мотивли ёки прагматик сатҳ<sup>25</sup>.

<sup>22</sup>Комарова З.И. Методология, метод, методика и технология научных исследований в лингвистике. Екатеринбург, 2012. - С. 538-539.

<sup>23</sup>Вайсгербер Й.Л. Родной язык и формирование духа. –Изд-во Едиториал, 2004. –С.120,135,173

<sup>24</sup>Шведова Н.Ю. Теоретические результаты, полученные в работе над “Русским семантическим словарем” // Вопросы языкознания. 1999. – С.15

<sup>25</sup>Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М.: Наука, 1999. –С.156

Маълумки, тилшуносликда фразеология доираси тор ва кенг маънода тушунилади. А.Э.Маматов фразеологияни «тор» ва «кенг» маънода тушуниш нотўғрилиги, тил бирликлари тузилиш жиҳатдан сўз бирикмаси ёки гапга тенг, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга, образли бўлса, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилиши шарт деб ҳисоблайди<sup>26</sup>. Ушбу тадқиқот ишида фразеология тадқиқот объектларини турлича тушуниш ва тавсифлашларга оидмавжуд концепциялар ўрганилади ҳамда атамалар маънолари тавсифланади. ФБга нисбатан А.В.Кунин таклиф этган қуйидаги таърифни қўллаб-қувватланади: «фразеологик бирлик – қисман ёки тўлалигича кўчма маъноли сўзларнинг барқарор бирикмаси».<sup>27</sup>

Н.И.Толстой лингвомаданий жамоанинг кундалик-эмпирик, тарихий ва рухий тажрибасини акс эттирувчи фразеологизмлар воқеликни образли тасаввур этиш асосида тилда пайдо бўлишини лўнда ва образли шаклда «миллий маданият, психология ва фалсафанинг кўзгуси»<sup>28</sup> сифатида тавсифлаган. Фразеологизмларнинг қайта инъикос этиш лаёқати маданий муҳим императивларнинг авлоддан авлодга узатилишига хизмат қилади ва шунинг учун ҳам индивид ҳам яхлит бир миллат сифатида ўз-ўзини англаш шаклланишини таъминлайди<sup>29</sup>. Миллий-маданий белгининг асосий тамойили денотатнинг муайян халқ, давлат ёки даврга мансублиги ҳисобланади<sup>30</sup>. Маданий ўзига хос маъно фақатгина маълум жамият учун характерли ва тавсифловчи ҳаёт тарзинигина эмас, қолаверса тафаккур образини ҳам акс эттиради<sup>31</sup>. Борлиқни идрок этиш ва акс эттириш нуқтаи назаридан турғун сўз бирикмаларининг уч гуруҳи фарқланади: ўзида оламни идрок этишнинг умуминсоний тажрибасини бириктирувчи; у ёки бу лингвомаданий жамоанинг ҳаёт тарзи билан боғланган турли вазиятларда орттирилган тажрибани бириктирувчи; муайян миллатнинг оламни идрок этиш тажрибаси, оламни миллий ўзига хос кўришини акс эттирувчи сўз бирикмалари<sup>32</sup>. Биринчи ва иккинчи гуруҳлар вазиятга нисбатан борлиқни концептуаллаштиришга асосланган. Учинчи гуруҳнинг лингвистик кўрсаткичи тажрибани бошқа тилга қиёслашга асосланади.

ФБларнинг маданий компонентлари уларнинг образли асоси билан боғланмайдиган ҳамда образли асоси билан метафорик узайиш ҳисобига боғланадиган денотатив-сигнификатив мазмунли маданий компонентлар гуруҳларига ажралади. Учинчи гуруҳга ҳам фразеологик маъно сатҳида ҳам ички шакл сатҳида қўлланадиган маданий компонентлар киради<sup>33</sup>.

<sup>26</sup>Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. -Тошкент. --- 1991. –Б.212

<sup>27</sup>Кунин А. В. Английский фразеология: Теоретический курс. М., 1970. –Б.210

<sup>28</sup>Толстой Н.И. Этнолингвистика в кругу гуманитарных. – М.: Academia, 1991.-С. 5.

<sup>29</sup>Телия В.Н. Фразеология в контексте культуры. -М.: ЯРК. 1999.-С. 10.

<sup>30</sup>Томахин Г.Д. Реалии-американизмы. –М.: Высшая школа, 1988.-С. 21.

<sup>31</sup>Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. -М.: Прогресс. 1996.-С. 269.

<sup>32</sup>Хайрулина В.И. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты перевода: Автореф. Дис. докт.филол.наук. — М.: 1995.-С.106

<sup>33</sup>Мелерович А.М., Мокиенко В.М. Формирование и функционирование фразеологизмов с культурно маркированной семантикой в системе русской речи. -М.: ЯРК. 1999.-С. 63,65

ФБлар маданий маркерлигининг лингвистик манбалари сифатида куйидагилар кўрилади: 1) образли асос: *ичини мушук таталамоқ, ернинг тагида илон қимирласа билмоқ*; 2) этносоциум тажрибасининг ўзига хос фрагменти *бир қарич, чилла суви*; 3) этносоциумнинг кундалик ҳаёт тарзи билан боғланган сўз реалиянинг мавжудлиги: *дўпписи яримта, алифни калтак деёлмаслик*; 4) ФБ асосидаги маданий концепт: *лафзда турмоқ, номуси букилмоқ*.

ФБларнинг маданий белгисини аниқлаш имконини берувчи механизмларни аниқлаш муаммоли саналади. Қиёсий таҳлил шундай усуллардан бири ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ тилларнинг ФБлари қиёсланганда *лакуна* типли тил бирликлари маданий белги сифатида кўрилади. Фразеологизмларда маданий компонентларнинг мавжудлигини аниқлашнинг яна бир йўли маданият билан фразеологизмлар ўртасидаги алоқани очиб бериш. Маълумки, маданият ижтимоий-психологик, тамаддун ва фаолият нуқтаи назаридан уч гуруҳга ажратилади. Масалан, «*гаҳ*» *деса, қўлга қўнадиган қилиб олмоқ* (жуда итоаткор қилиб олмоқ) фразеологик бирлигининг маданий компонентимаданиятнинг ижтимоий-психологик аспекти орқали намоён бўлади. Ушбу ФБнинг қўлланилишида гендер муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. ФБда эркак жинсига нисбатан лингвомаданий жамоанинг ахлоқий меъёрлари акс этиб, аёлнинг устун мавқеи ва эркакнинг итоаткорлиги қораланади. Аёл жинсига нисбатан аксинча ҳолат кузатилади.

ФБнинг табиати уларни антропоцентрик парадигма доирасида тадқиқ қилишни тақозо қилади. Антропоцентризм тилни когнитив структуралар инъикоси деб ҳисобловчи когнитив ёндашувда анчайин ёрқин намоён бўлади. Воқеликни метафора ва метонимия каби когнитив механизмлар ёрдамида англаш натижасида ФБлар шаклланиши воқе бўлади. Метафора онтологиясига кўра ўхшаш бўлмаган ҳодисаларнинг муайян хусусиятларини ўхшатишга, мавҳум предметларни конкрет предметларга тенглаштиришга асосланади. Метафора сермаҳсул когнитив механизм бўлиб, олам фрагментларини лексик ва фразеологик номлашда образлилик яратиш хусусиятли когнитив жараёни, сўзловчи ва тингловчига прагматик таъсир ўтказиш орқали прагматик эффектни намоён қилади. Объектни образли номлаш орқали унинг янги маъно қирралари очилади ва/ёки янги ахборотлар беради. Ушбу жараёнда олам ҳақидаги янги билимлар вужудга келади ва бу билимлар вербалашади. Инсон эмоционал оламининг таянч концептларидан бири «кўрқув»ни ифодаловчи ФБларни когнитив белгиларига кўра гуруҳларга ажратиш орқали концептуаллашув жараёнини кўра оламиз ва миллий-маданий аспектларини ажратиш имкони пайдо бўлади: 1) тана органлари ва улар макони ўзгариши: *юрагини олиб қўймоқ, юраги чиқиб кетмоқ, юраги орқага тортиб кетмоқ, юрагини ёрмоқ, юрагини ҳовучлаб*; 2) тана органлар фаолияти ва ритмининг ўзгариши: *нафаси ичига тушиб кетмоқ, юраги пўкиллаб юрмоқ, юраги така-пука, юраги шув этиб кетмоқ*; 3) юз рангининг ўзгариши: *қути ўчмоқ, юзи докадек оқариб кетмоқ, ранги қув ўчмоқ*; 4) вужуд ва унинг қисмлари қотиб қолиши, музлаши: *тили*

танглайига ёпишиб қолмоқ, тили айланмай қолмоқ, кесак бўлиб қолмоқ, кўнгли муз бўлиб кетмоқ, совуқ тер босмоқ; 5) қалтираш, дефекация: ичи ўтиб кетмоқ, қўрқувдан оёқлари қалтирамоқ ва ҳоказо.

ФБларнинг прагматик аспекти баҳо, эмотив ва экспрессив маъноларни англатади. Иллюстратив материалга асосланиб қуйидаги коннотацияларни ажратдик: 1) коммуникантлар роли баҳоси; 2) адресатга шахсий муносабатнинг ифодаланиши; 3) коммуникатив-прагматик вазият репрезентацияси. Бадий асарларда ФБлар қўлланиши ёзувчининг мақсади, воқеалар, қаҳрамонларнинг психологик, ижтимоий ва индивидуал хусусиятларини тасвирловчи асар ғояси билан боғланади.

Фанда концепт тушунчаси турли ёндашувлар асосида ёритилади. А.Вежбицкаяга кўра, концептларни *мантиқий-тушунчавий* асосда ўрганиш инсоннинг “Воқелик” олами ҳақидаги маданий боғланган тасаввурларини акс эттирувчи “Идеал” оламидаги объект сифатида талқин қилиш ётади. Ушбу назарияга кўра, концепт борлиқдаги ҳодиса ва объектларнинг қандай тузилганлиги ҳақидаги тафаккур асосида яратилган тушунчани ифодаловчи феномен. А.Вежбицкая концепциясининг энг муҳим жиҳати концептларнинг миллий ўзига хос хусусияти ҳақидаги айтилган фикри бўлади<sup>34</sup>. *Психологик* ёндашув доирасида концепт тафаккур жараёнида бир турдаги бир қанча предметлар ўрнини босувчи фикрий ҳосила сифатида тушунилади. Академик Д.С.Лихачев концептни “маънонинг алгебраик ифодаси” сифатида тушунтиради, чунки “инсон маънони унинг бутун мураккабликлари билан қамраб олишга улгурмайди ёки уддасидан чиққа олмайди, баъзида уни ўзича талқин қилади”. Шунинг учун концепт ўз луғавий маъносидан ташқари тил эгасининг индивидуал ва маданий тажрибаси билан боғланган бўёқдорлик, ассоциациялар мажмуасини ҳам қамраб олади<sup>35</sup>. *Культурологик* ёндашувда концептларнинг индивидуал-психик хусусиятларидан кўра ижтимоий мазмунига эътибор қаратилади. Концепт маданиятнинг асосий бирлиги бўлиб, инсон онгида “маданият қаймоғи”ни намоён қилади ва у орқали маданият инсон ментал оламига кириб келади. *Интегратив* ёндашув концептларни лингвистик, когнитив, культурологик, социологик нуқтаи назарлардан ўрганишга имкон беради. Бунинг натижасида ҳодисанинг энг кўз илғамас қатламларни ҳам очиб бериш имкони туғилади. Бу ёндашувга кўра концептлар инсон ментал оламидаги маданиятнинг асосий бирлиги ҳисобланади.

Воқеликнинг хилма-хиллиги концептларни қуйидаги типларни тақозо қилади: фикрий манзаралар, схемалар, гиперонимлар, фреймлар, сценарийлар, инсайтлар, калейдоскопик концептлар. Фикрий манзаралар реалия ёки мифга оид предметларни кўрсатади; концепт-схемалар маконга оид сўзлар билан ифодаланади; гипероним концептлар лексикадаги гипо-гиперонимик алоқаларни акс эттиради; фрейм концептлар бир неча вазият ёки вазият образи билан ўзаро боғланади; инсайт концептлар предметнинг

<sup>34</sup>Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков. -М.: Рус. словари, 1999. - С. 289-303.

<sup>35</sup>Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка. -М.: Академия, 1997. -С. 281-282.

тузилиши, функцияси ҳақидаги маълумотларни сақлайди; сценарий концептлар воқеалар кетма-кетлигини, уларнинг ўзаро боғланишини кўрсатади; калейдоскопик концептлар ижтимоий йўналган мавхум отли концептларни муайян тузилиш кўринишида намоён қилади.

Диссертациянинг «**Миллий-маданий дунёқарашнинг ижтимоий ва моддий оламнинг таянч концептларидаги репрезентлашуви**» номли иккинчи бобда концептларнинг миллий ўзига хос хусусиятлари муаммоси тадқиқ қилинган. Дунёқарашнинг таянч концептларидан бири «оила» суперконцептини ифодаловчи *оила* лексемасининг этимологияси очиқланади, фрейм методи асосида «никоҳ муносабатлари», «қариндошлик муносабатлари» ва «ноқариндошлик муносабатлари» макросемантик майдонлари фарқланади. Ўз навбатида «никоҳ муносабатлари» макромайdonи “эр” компонентли, “хотин” компонентли, “эр ва хотин муносабатлари”, “уйланиш ёки эрга тегиш” ва “кўпхотинлик” категорияларга ажратилди. «Қариндошлик муносабатлари» макро майдонида “яқин қариндошлик” микромайdonига мансуб “она”, “ота”, “бола, фарзанд” компонентли ва “узоқ қариндошлик” микромайdonидаги “тоға”, “жиян”, “амма”, “хола”, “келин, “куёв” ва “қайн-” префиксли компонентга эга паремиялар гуруҳлари фарқланди. «Ноқариндошлик муносабатлари» макромайdonининг “қўшни”, “етим” ва “ўғай” компонентли паремиялардан ҳосил бўлган гуруҳлари фарқланди. Юқорида қайд этилган хос компонентли паремиялар микдорий кўрсаткичлари аниқланди ҳамда расм ва жадвалларда акс эттирилди.

Олинган маълумотлардан келиб чиқиб ўзбек этносида «оила» макроконцептнинг ядросини “ота-она ва болалар”, ядро марказини “фарзандлар” микроконцепти, яқин периферияни “қариндошлар” ташкил этиши маълум бўлди. Хулосалар кўп сонли турғун сўз бирикмалар ва тил соҳиблари билан ўтказилган экспериментлар натижаси билан асосланди. Олиб борилган семантик-когнитив таҳлиллар ёрдамида концептнинг миллий-маданий концептуаллашувини кўламлироқ очиб бериш, макроконцептнинг ярусли тузилиши, ўзбек халқининг миллий маданий дунёқараш тамойиллари ҳақида муайян хулосаларга келинди. Масалан, “болалар – ота-она ҳаётининг мазмуни” маданий тузилмаси концептуаллашуви 368 та паремиологик материаллар мисолида таҳлил қилинганда, “фарзанд” семасини ифодаловчи турғун бирикмалар статистик кўрсаткичлари 212 та (58%) ташкил этди. *Болали уй – бозор, // боласиз уй – мозор; боласи кўп бўлар бой, боласи йўқ - қуруқ сой; боланг ёмон бўлса ҳам, омон бўлсин* каби мақоллар ўзбек этносида фарзанд ижтимоий категорияси муҳим аҳамият касб этиши яққол намоён бўлади. Фарзандсизлик *мозор, чўл, мевасиз дарахт* каби субстанциялар билан ассоциялашади.

Фарзандларни тарбиялашда оиланинг энг муҳим функцияларидан бири этномаданий кадриятларни бериш, этник ўзликни англаш руҳида тарбиялаш саналади. Ёш авлод айнан оилада дастлабки миллий анъаналар ва удумлар билан танишади, диний ва дунёвий тасаввур ва билимларни олади: *айғир қандай бўлса, от шундай; олманинг остига олма тушади; бозинг бўлса қўра*



*қил, ўғлинг бўлса мулла қил; бола туққанники эмас, тарбиялаганники; қуш уясида кўрганини қилади; дарахтга кўра - меваси, ота-онасига кўра – боласи; она – дарахт, бола –мева. Ушбу гуруҳда зооним, фитоним образли ФБлар кам бўлмаган миқдорда мавжуд аниқланди.*

Анъанавий оилавий этикетнинг асосий тамойиллари сифатида шакл-шубҳасиз ёшларнинг катталарга ҳурмати ва уларни қадрлаши ҳисобланади. Анъанавий удумга кўра умумий трапеза вақтида ёшга нисбатан катталар фахрий ўрин-маконни англатувчи тўрдан жой олади. Мақол-маталларда ёши улуг кишиларнинг тажрибаси, илми ва салоҳияти алоҳида экспликацияланади, афсонавий образ (*пари*) ва турк халқларида алоҳида қийматга эга бўлган *туя* образлари билан ассоцияциялашади: *ёш келса – ишга, қари келса – ошга; қарияли уйда қўй ҳам омон, бўри ҳам йўқ; қари бор уйда пари бор; бақироқ туянинг бори яхши, бақириб тургани ундан яхши.*

Ўзбек лингвомаданиятида «оила» концептининг қариндошлик муносабатлари сегментига кирмайдиган “қўшни” концептини мазкур макроконцептнинг бир сегменти сифатида ҳисоблаш ва унинг ўрнини узоқ периферияда белгилаш тўғрироқ деб ҳисоблаймиз.: *узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши; қўшнининг билгани оламни билгани; қўшнинг яхши бўлса кўр қизинг ҳам эрга тегар; ҳовли олма, қўшни ол; қўшнининг миннатли ошидан, чумчуқнинг сояси афзал; қўшни қўшнининг бозори* ва ҳок.

Маълумки, мақол-маталлар ифодалаган стереотиплар ўтмиш нуқтаи назарини акс эттиради. Шу сабабдан маданий концепт ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун диахрон кесимдаги тадқиқни синхрон кесимдаги тадқиқ билан тўлдириш тақозо қилинади. Концептларга баҳолар вақт ўтиши билан трансформацияланади, ижтимоий тузум талабларига мос келмай қолади ва аввал биринчи даражадаги аҳамиятга эга бўлган кадриятларнинг лингвомаданий жамоада ўзгаришини кузатишимиз мумкин. Тил фразеологик сатҳларида акс этган оила ва қариндошлик муносабатларини социолингвистик ўрганишдан мақсад оиладаги муҳим қийматларни очиқ бериш ҳисобланади. Сўровномада 200 та ўзбек тили соҳиблари қатнашди. Улар жинси, ёши, оилавий аҳволи, саводхонлик маълумоти ва фаолият тури бўйича фарқланади. Тақдим этилган анкета икки қисмдан ташкил топган бўлиб, биринчи қисм ўз семантикасида бири иккинчисини рад этувчи ахлоқ формуласини ифода этувчи ФБларни акс эттиради. Сўровномада гендер вазияти ҳам ҳисобга олинган, яъни аёл ва эркакларга турли анкеталар ишлаб чиқилди. Респондентларга жуфт ФБлардан қайсиларини тўғри деб ҳисоблашларини билдиришлари сўралди (1-жадвал). Олинган натижаларга кўра, ислом дини анъаналари негизида шаклланган ахлоқ-одоб нормаларига риоя этишни ҳозирги замон аёл жинси вакиллари мақбул ҳисоблашмаслиги маълум бўлди. Бу аёллар саводхонлиги ошиши, гендер тенглигининг ижтимоий ҳаётга жорий этилиши, глобал ахборот алмашуни натижасида шаклланган аёл лисоний онги билан асосланади. Эркак жинси вакилларида қарши жинс вакилларига, уйланишга нисбатан негатив муносабат шаклланганлиги миқдори сезиларли бўлиб, бу ижтимоий-иқтисодий, маънавий муҳитдаги ўзгаришлар билан боғланади.

**“Эр ва хотинлик муносабатлари” категориясининг қимматлик сегментини ифодаловчи мақол-маталлар**

Жинси	Фразеологик бирликлар	Жавоблар миқдори		
		+	-	+/-
Эркак	Хотинсиз уйни кўр - қаро ерни кўр	55	8	39
	Хотин жафо, ит вафо	34	46	20
Аёл	Эрдан – хато, хотиндан узр	55	28	17
	Хотиндан хато, эрдан жазо	42	19	39

«Уй» концепти универсаллик табиатига эга бўлган ҳолда, миллий ўзига хос белгига ҳам эгаллиги когнитив белгилар номутаносиблиги, фразосемантик майдонлар ташаккули, денотатни категориялаштириш ва концептуаллашувида намоён бўлади:

**I. Уй – ушбу мулк эгалари яшовчи макон:**

*синч уйим – тинч уйим; сарт бойиса, том ёнар, оша бойиса очиб ёнар* ва ҳок.

**II. Уй – оила, хонадон:**

1. «Уй – ташқи олам» зидлиги: *тўрт девор ичида яшамоқ; остона ҳадлаб кўчага чиқмаган* ва ҳок..

2. Бир уйда биргаликда яшаш: *бир том остида яшамоқ, уй ичи* ва ҳок..

3. Уйдан ташқаридаги хулқ: *ўз уйидагидек ҳис қилмоқ* ва ҳок.

**III. Уй – муассаса:**

1. Давлат билан алоқадорлик: *Оқ уй, Оқ сарой, Никоҳ уйи* ва ҳок.

2. Ижтимоий-маданий ихтисослашув:

2.1. Шахс номлари билан боғланмаган: *ўқитувчилар уйи; фотосуратлар уйи; болалар ижодиёт уйи; офицерлар уйи* ва ҳок.

2.2. Шахс номлари билан боғланган: *Болсьюр ижодиёти уйи; Хушвақтбой уйи, Сибелиусуй-музейи, Аваз Ўтар уй-музейи* ва ҳок.

3. Ижтимоий йўналганлик: *қариялар уйи, меҳрибонлик уйи* ва ҳок.

4. Иқтисодий йўналганлик: *Мебеллар уйи, Ўзбек-Хитой савдо уйи* ва ҳок.

5. Диний-маданий алоқадорлик: *Худонинг уйи; дунё орзу ҳавас уйи дерлар* (А.Қодирий. Ўткан кунлар).

**IV. Инсоннинг психоэмоционал ҳолати:** *томи кетмоқ, девор бўлиб қолмоқ, ранги девор бўлмоқ* ва ҳок.

Тадқиқот натижаларига кўра ўзбек ОЛМдаги уй концепти билан боғланган фрагментнинг когнитив кўринишлари мухтасар шаклда кўрсатилди: а) уй – инсон ва унинг оиласи яшайдиган макон; б) химоя - уйнинг асосий функцияси; в) уй – бу оила; г) уй эгаларининг роли бир хил эмас; д) уй – инсон идроки аллегорияси ва ҳоказо.

Маълум бўладики, “уй” концепти ўзбек этноси лисоний онгида анчайин долзарб маъноларни акс эттиради. Фразеологизмларнинг денотатив ва

